

Бухородаги «Хўжа Абдурахмон Авф» масжидига илк ғишт қўйилди



11:14 / 10 январь 825

Шу йил 7 январь куни Вобкент туманидаги «Шакаркент» маҳалласида жойлашган «Хўжа Абдурахмон Авф» жомеъ масжиди янги биноси пойдеворига илк ғишт қўйилди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Бухоро вилояти вакиллиги матбуот хизмати хабар берди.

Мажмуанинг умумий майдони 600 кв/м бўлиб, 1300 ўринли масжид хонақоҳи, кутубхона, омборхона, 24 кишилик таҳоратхона, маъмурий бино ва пештоқли дарвозаларнинг қурилиш лойиҳалар асосида давом эттирилмоқда.

Тадбир иштирокчилари мажмуадаги қурилиш ишларининг уйишқоқлигини юқори баҳолаб, бу ҳайрли ишларга ҳисса қўшаётган азиз инсонларга миннатдорлик билдирди. Шунингдек, Аллоҳ таолодан бу маънавий масканнинг тез фурсатда қад ростлашини ва Қиёматга қадар мўмин-мусулмонлар қадами узилмас манзил бўлмоғини сўраб дуо қилишди.